



ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ ХУСУСИДА

N.M.Oxunova

Farg'ona davlat universiteti tayanch doktoranti

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6603298>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10-may 2022

Ma'qullandi: 14-may 2022

Chop etildi: 31-may 2022

KALIT SO'ZLAR

халқ оғзаки ижоди,
лингвостатистик
таҳлил, фразеологик
иборалар, халқ
мақоллари, матал,
афоризм.

ANNOTATSIYA

Ушбу мақолада халқ оғзаки ижоди жанрларининг тадқиқ этилиши ва мазкур соҳада олиб борилган изланишларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

Фольклор (ингл. folk-халқ, lore-донолик сўзларидан)-фольклор, халқ оғзаки бадий ижоди. Фольклор термини 1979 йилда нашр этилган “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати”да таъкидланганидек, халқаро миқёсда кенг тарқалган бўлиб, Англия, Франция, АҚШ ва бошқа айрим мамлакатларда халқ оғзаки бадий ижодининг турли соҳаларини: оғзаки поэзия, халқ мусиқаси, халқ рақси, халқ наққошлиги, оғзаки насрий асарлар, халқ урф-одати ва расм-русумлари, эътиқоди билан боғлиқ асарларни ифодалайди. Халқ оғзаки ижоди турли хил жанрлардан таркиб топган бўлиб, унда халқнинг орзу-интилишлари, бадий завқи, ижодий салоҳияти, маънавий-ахлоқий ғазилатлари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодининг ўрганилиши тадқиқотчиларнинг диққат марказида

бўлиб келган. Мамлакатимизда кейинги йилларда халқ оғзаки ижодининг ҳам филологик, ҳам педагогик томондан ўрганишга доир бир қатор илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан: Р.Норматованинг “Машраб шеърляти ва халқ оғзаки ижоди” номли номзодлик диссертациясида тадқиқотчи томонидан машрабшунослик тарихини тадрижий тарзда ўрганиш; мустамлакачилик ва тоталитар тузум шароитида Машраб асарларига муносабат тарихига назар ташланган ва амалга оширилган ишларга умумий баҳо берилган, уларга таянган ҳолда шоир меросининг кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ этилган, Машраб лирикаси ва халқ оғзаки ижоди масаласи назарий асосда таҳлил қилинган, шоир лирикасини бадий маҳорат нуктаи назаридан ўрганилган, Машраб шеърлятида



қўлланган халқ мақоллари, матал, афоризм ва фразеологик ибораларни таснифлаш ва тадқиқ қилиш, шоир лирикасининг миллий заминлари ва бадиий қирралари ўрганилган.

Д.Ўринбаева “Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари” номли докторлик диссертациясида ўзбек халқ оғзаки ижоди матнининг компьютер корпусини яратиш ва шу асосда лингвостатистик таҳлилларни амалга ошириш, лингвистик таъминот учун ўзбек халқ оғзаки ижоди жанрлари матнига лексикографик ишлов бериш ва уларнинг алфавитли, частотали, терс ва изоҳли луғатлари базасини шакллантириш, тузилган лингвистик дастурлар орқали матннинг квантитатив таҳлилда компьютер технологиясининг афзалликларини илмий асослаш, жанрлар тилининг статистик моделларини белгилаш ва ўзаро муштаракликлиги ҳамда хусусийлигини аниқлашга катта эътибор қаратилган. Лингвостатистик таҳлил методлари асосида эса ҳар бир матннинг луғавий ва маъновий жиҳатдан жанрларга кўра ўзига хослигини кўрсатиб берилган. Фонетик, лексик ва морфологик бирликларни жанрларда қўлланиш частотаси ранги бўйича ҳам таҳлиллар олиб берилган.

Бундан ташқари халқ оғзаки ижоди педагогик жиҳатдан ҳам ўрганилган бўлиб, ушбу илмий изланишлар намунаси сифатида Г.Холбоевнинг “Халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари” номли номзодлик диссертациясида мавзуга оид илмий-

педагогик ва халқ оғзаки ижоди асарлари ҳамда муаммонинг амалиётдаги ҳолатини ўрганиш, халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойилларининг назарий-амалий асосларини аниқланган ва халқ оғзаки ижоди асарлари воситасида ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш имкониятлари ҳам аниқланган. 5-7-синф адабиёт дарсларида ўқувчиларни миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар руҳида тарбиялашда халқ оғзаки ижоди намуналарининг муҳим тарбиявий-дидактик восита эканлигини асосланган. Умумий ўрта таълим мактабларида халқ оғзаки ижоди намуналарини ўқитишнинг назарий, педагогик, методик жиҳатларини тавсифлаш ҳамда унинг ишланганлик даражаси аниқланган. Адабиёт дарсларида халқ оғзаки ижоди асарларини интерфаол усуллар асосида ўқитиш тамойилларини белгилаб, ўқувчиларда миллий қадриятлар билан боғлиқ халқ оғзаки ижоди асарларини таҳлил қилишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш, халқ оғзаки ижоди асарларини таҳлил қилиш воситасида ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш жараёнининг самарадорлик даражасини кўрсатиб берган.

У.Хасановнинг “Халқ оғзаки ижоди ижтимоий-фалсафий ва эстетик ғоялар манбаи сифатида” номли номзодлик диссертациясида халқ эстетикасининг асосий манбаларини аниқлаш, уларнинг халқ эстетикаси шаклланишидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берган. Ўзбек халқ эстетикасининг жаҳон эстетик



маданияти ривожланишидаги ўрнини кўрсатиш, ўзбек халқ эстетикасининг миллий хусусиятлари ва умуминсоний қийматларини очиш, халқ эстетикасининг шаклланиши халқ турмуши билан узвий боғлиқлиги, уни акс эттиришни исботлаш, халқимиз маънавий маданияти тизимида халқ эстетикасининг ўрни ва аҳамиятини аниқлашга эътибор қаратилган. Халқ эстетикасининг экологик мазмунини очиш, унинг табиат предметлари - сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликларга, қушлар, ҳайвонлар оламига эҳтиёткорлик, меҳрибонлик, ғамхурлик билан муносабатда бўлишга ўргатиш воситаси эканлигини кўрсатилган. Тадқиқотчи томонидан Республикамиз фуқароларини миллий мустақиллик, фахр, ғурур руҳида тарбиялашда халқ эстетикасининг имкониятларини ўрганиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш усуллари, шакллари ва йуллари тадқиқ қилинган.

Н.Воҳидованинг “Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида миллий ғурурни тарбиялаш” номли номзодлик диссертациясида халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда

миллий ғурурни тарбиялаш мезонларини ишлаб чиқиш, халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчиларда миллий ғурурни тарбиялашнинг самарали методларига аҳамият берилган, шунингдек, халқ оғзаки ижоди асосида ўқувчилардамиллий ғурурни тарбиялашнинг моделини яратиш кўзда тутилган, бошланғич синф ўқувчиларида миллий ғурурни тарбиялашга йўналтирилган методиканинг самарадорлик натижасини аниқлаш ва миллий ғурурни тарбиялашга оид методик тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, адабиётшуносликда, шу жумладан, фолклоршуносликда бадиий асарларнинг жанрлари масаласи илмий изланишларда ҳамиша муҳим аҳамиятга эга назарий илмий муаммо сифатида баҳоланиб келган. Халқ оғзаки ижодини ўрганиш жараёнида мазкур илмий тадқиқотларнинг дидактик воситаси, тарбиявий аҳамияти, эстетик жиҳатлари билан бир қаторда жанр хусусиятларига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Хатамов Н, Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Тошкент. 1979.
2. Норматова Р, Машраб шеърляти ва халқ оғзаки ижоди. Фил. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент. 2012.
3. Ўринбаева Д, Халқ оғзаки ижоди: жанрий-лисоний ва лингвостатистик тадқиқ муаммолари. Фил. фан. док. диссертацияси.–Самарқанд. 2019
4. Холбоева.Г, Халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари.Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент. 2009.
5. Хасанов.У, Халқ оғзаки ижоди ижтимоий-фалсафий ва эстетик ғоялар манбаи сифатида. Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент. 1996.



6. Воҳидова.Н, Бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди асосида миллий ғурурни тарбиялаш. Пед. фан. ном-ди диссертацияси–Тошкент. 2011.